

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ  
ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ  
САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

Тошкент – 2024

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини тиклаш бўйича услубий қўлланма.**  
Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги,  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 12 б.

Тузувчи: И. Убайдуллаев

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини тиклаш бўйича белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	4
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ .....	5
ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАРГА АСОСАН БЕРИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА СУБСИДИЯЛАР .....	6
“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН БЕМОР ЁШЛАРГА ДАВОЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ .....	7
“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖ ЁШЛАРГА ПУЛЛИК ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ .....	9
НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ЁКИ БЕМОР ЁШЛАРГА ЗАРУР ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ХОДИМ БИЛАН БИРГАЛИҚДА ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБИ.....	12

## КИРИШ

Давлатимиз раҳбари бошчилигида бугунги кунда аҳоли муаммолари билан ишлашнинг мутлақо янги механизмлари жорий қилинмоқда.

Аҳолининг кундалик ҳаётидаги энг муҳим соҳаларни қамраб олган, уларнинг турмушидаги фаровонлик даражасини юксалтиришга хизмат қилиш мақсадида ташкил қилинган “маҳалла еттилиги” институти ҳам шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармонида асосан маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги» ташкил этилган.

2024 йил 1 мартдан бошлаб “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу қўлланмада маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини тиклаш бўйича белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш тартиби содда тилда очиб берилган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-196-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарори



## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ШАКЛАНТИРАДИГАН ҲУЖЖАТЛАРГА АСОСАН БЕРИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА СУБСИДИЯЛАР

Ёшлар етакчиси томонидан шакллантириладиган ҳужжатлар бўйича “Маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида қуйидаги ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар мавжуд:



- бемор ёшларга даволаниш харажатлари учун БҲМнинг 50 баравари миқдорида;
- ногиронлиги бўлган ёки бемор ёшларга зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларни ижтимоий ходим билан биргаликда харид қилиш учун БҲМнинг 40 баравари миқдорида;
- психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун БҲМнинг 4 баравари миқдорида

### **Буни билиш лозим.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-196-сон Фармониغا кўра 2023 йил 1 декабрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **340 000 сўм** қилиб белгиланган.

## “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН БЕМОР ЁШЛАРГА ДАВОЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ

### I. Субсидия ажратиш:

1. “Ёшлар дафтари”га киритилган бемор ёшларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида **БХМнинг 50 бараваридан** ошмаган миқдорда “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади. *(Субсидия ажратиш схемаси 1-иловада берилган)*

2. Ариза берувчи субсидия ажратишни сўраб мурожаат қилганда маҳалладаги ёшлар етакчиси **3 иш куни** ичида ҳудудий бирламчи тиббий-санитария муассасасидан шифокор жалб қилишга кўмаклашади ва ариза берувчининг соғлиғи ҳолати баҳоланади.



3. Ўрганиш натижасида ариза берувчига тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати аниқланганда, ариза берувчининг соғлиғи ҳолатига қараб белгиланган тартибда даволаш учун тегишли бирламчи, вилоят ёки республика даражаси-даги тиббиёт муассасасига йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирадиган *(ариза берувчининг ушбу тоифага кириши ёки кирмаслиги тиббиёт муассасаси хулосасига кўра аниқланади)*, вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб топилган “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар даволаниш учун белгиланган тартибда **электрон навбатга** қўйилиши таъминланади.

5. Имтиёзли тоифага кирмайдиган, бирламчи тиббий-санитария муассасаси томонидан вилоят, республика даражасида ёки хорижий давлатда даволаниши лозим деб топилган “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг даволаниши ёки жарроҳлик амалиётидан ўтиши билан боғлиқ харажатлар учун маҳалладаги ёшлар етакчисининг тавсиясига асосан “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

6. Ариза берувчи шифокор кўригидан ўтгандан сўнг маҳалладаги ёшлар етакчиси **3 иш куни** ичида субсидия ажратиш ҳақидаги тавсияномани ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

7. Агар ёшлар етакчиси мурожаат унга тушган пайтдан бошлаб **уч иш куни** ичида ариза берувчининг соғлиғини баҳолаш учун шифокор жалб қилишга кўмаклашмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлганда Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

8. Ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган ёшлар белгиланган тартибда кўриқдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

## **II. Субсидия ажратиладиган ёшлар тоифалари:**

***“Ёшлар дафтари”га киритилган қуйидаги тоифадаги бемор ёшларга даволаниш харажатлари қоплаб берилади:***

*“Темир дафтар”га киритилган оила фарзанди*

*“Аёллар дафтари”га киритилган аёллар фарзанди*

*“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”АТга киритилган оила фарзанди*



## “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖ ЁШЛАРГА ПУЛЛИК ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

I. Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида **БҲМнинг 4 бараваридан** ошмаган миқдорда **“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари** ҳисобидан қуйидаги схемага мувофиқ субсидия ажратилади.

### Харажатларни қоплаб бериш усули

психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза бериш орқали


1) **Ариза берувчи** пулли психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида маҳалладаги **ёшлар етакчисига** ариза беради. **Ёшлар етакчиси** томнидан **1 иш куни ичида** ариза кўриб чиқилади.

2) Ёшлар етакчиси **3 иш куни** ичида ариза берувчининг шароитини ўрганади ва пулли психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси **Васийлик кенгашига** тавсиянома беради.

3) **Васийлик кенгаши 3 иш куни** ичида ёшлар етакчисининг тавсияси асосида пулли психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун қарор қабул қилади ва **туман (шаҳар) ҳокимликларига юборади.**

4) Туман (шаҳар) ҳокимликлари **3 иш куни** ичида васийлик кенгаши қарори асосида **психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар** учун маблағларни психологик ёрдам берувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

**II. Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга қуйидаги малакали психологлар томонидан психологик маслаҳатлар берилади:**




**III. Ариза берувчи пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплашни сўраб маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза беради.**

**IV. Ёшлар етакчиси уч иш куни** ичида ариза берувчининг ижтимоий тоифаси ва ҳолатини ўрганиб, Васийлик кенгашига қуйидаги ҳужжатлар билан тавсиянома тақдим этади:

а) психолог томонидан берилган ариза берувчининг психологик ёрдамга муҳтожлиги тўғрисидаги хулоса;

б) психологик ёрдам кўрсатиш хизматини кўрсатувчи ташкилот ва ариза берувчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси.

Ўзаро муносабатлар тегишли шартнома асосида амалга оширилади.



### **Буни билиш лозим.**

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

V. Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича уч иш куни ичида Васийлик кенгаши субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилади.

VI. Мазкур қарор асосида туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан уч иш куни ичида психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар психологик ёрдам кўрсатиш хизматини кўрсатувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ЁКИ БЕМОР ЁШЛАРГА ЗАРУР ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ХОДИМ БИЛАН БИРГАЛИКДА ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ногиронлиги бўлган ёки бемор ёшлар (ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларни ижтимоий ходим билан биргаликда харид қилиш учун **БҲМнинг 40 бараваригача “Маҳалла еттилиги”**нинг коллегиял қарорлари асосида ажратилади.



Ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс.

**Ҳуқуқий асос:** “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси

### **Буни билиш лозим.**

**Ижтимоий ходим** – ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштирадиган ёки бевосита ижтимоий хизматларни кўрсатувчи зарур касбий малакага эга бўлган шахс.

**Ҳуқуқий асос:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон Фармонининг 4-банди

## 1-ИЛОВА

